
КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 212 (7352). ● 6 ноябрь, 1980 йил ◇ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.



1980 ИИЛ, 5 НОЯБРЬ. Тошкент, Санъат саройи. Ўзбекистон меҳнаткашлари вакилларининг тантанали митинги. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИ СЕНГА ТУҲФАДИР, ВАТАН!

Ўзбекистон ССР давлатга пахта, дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан шу йилги социалистик мажбуриятларни ва ўнинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланган митинг

Совет Ўзбекистонида шодиёна. Жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съезди арафасида буюк ғалаба қозонилди — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, каноп сотиш юзасидан олинган 1980 йилги социалистик мажбуриятлар ва умуман ўнинчи беш йиллик режалари шараф билан бажарилди.

КПСС ленинча аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилишининг, пахтакорлар, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари илҳомбахш меҳнатининг, кадрлар маҳорати ошганлигининг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўтказган моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг қонуниятли якуни бўлмиш шу ғалаба муносабати билан Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасини республика зўр ҳурсандчилик билан кутиб олди. Шу табрикномадаги жўшқин сўзлар барча шаҳар ва қишлоқларга таралди. Бу сўзлар барча меҳнаткашларнинг дилида қизғин акс садо берди. Дала шийпонларида ва корхоналарнинг цехларида, область марказларида бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари республиканинг муваффақиятларига берилган юксак баҳо учун меҳнаткашларнинг партия Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга изҳор этган астойдил ташаккурини, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг коммунистик қурилиш барча соҳаларидаги муваффақиятларини кўпайтиришга азму қарор берганликларини билдирдилар.

5 ноябрь куни Ўзбекистон пойтахтининг санъат саройи байрамона ранг-баранг безатилди. Шонли ғалабага ва ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасига бағишланиб, шу ерда ўтказилган тантанали митингга республика меҳнаткашларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари келдилар. Машҳур пахтачилик усталарининг, қишлоқ меҳнаткашлари мусобақаси ғолибларининг кўксидаги орден ва медаллар прожекторлар нурида ярқираб турибди.

Саҳна тўрига Ильичнинг портрети қўйилган. Бу — Ильичнинг абадий барҳаёт ғоялари совет кишиларининг зафарларида мужассамлашганининг тимсолидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари бундёқорлик ишлари улуғворлигини акс эттирувчи пахта чаноғи макети ёнига 6 миллион 100 минг деган жозибадор рақам ёзилган. Ўзбекистон беш йилликнинг тугалловчи йилида Ватанга шунча миқдорда пахта топширди. Бу — мисли кўрилмаган мўл рекорд ҳосилдир!

Президиум столи ёнида ишлаб чиқариш новаторлари билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник Ю. П. Максимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров ўтиришибди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев митингни очади.

Ҳозирги замоннинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, тинчлик учун оташин курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Митинг иштирокчилари уни самимий кутиб оладилар.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча пахтакорлари, барча меҳнаткашлари Ватанимиз пахтачилигининг шонли тарихига яна бир ёрқин, чинакам зарҳал саҳифа қўшилди — Ўзбекистон деҳқонларининг илҳомбахш меҳнати буюк ғалаба билан якунланди. Республика ажойиб ютуққа эришганлигини Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига, Леонид Ильич Брежневга ҳаққоний ифтихор ва бажо этилган бурч туйғуси билан маълум қилди: давлатга рекорд миқдорда — 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ўнинчи беш йилликда совет Ўзбекистонининг пахтачилиги ривожланишининг ҳар бир босқичида ўзига хос қийинчиликлар ва тўсиқлар бўлган эди. Ўтган йилларда пахта ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, ерларни яхшилаш, ирригация ва мелиорация ишларини кенг миқёсда олиб бориш, пахтачилик учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ер ости ва ер усти сувларидан оқилона фойдаланиш, пахтачилик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрификациялаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, пахтачилик кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини ҳал этишда катта ишлар қилинди. Ана шу ишларнинг ҳаммаси ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ватанимиз пахтачилигининг шонли тарихига яна бир ёрқин, чинакам зарҳал саҳифа қўшилди — Ўзбекистон деҳқонларининг илҳомбахш меҳнати буюк ғалаба билан якунланди. Республика ажойиб ютуққа эришганлиги Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига, Леонид Ильич Брежневга ҳаққоний ифтихор ва бажо этилган бурч туйғуси билан маълум қилди: давлатга рекорд миқдорда — 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ўнинчи беш йилликда совет Ўзбекистонининг Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник Ю. П. Максимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров ўтиришибди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев митингни очади.

Ҳозирги замоннинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, тинчлик учун оташин курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Митинг иштирокчилари уни самимий кутиб оладилар.

Ўртоқлар! Азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси республика меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати учун, уларнинг ғайрат шижоати ва интернационал бурчга садоқати учун Ленин партияси берган юксак баҳо ва оталарча ташаккурдир. Табрикномада пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг катта йўллари белгилаб берилган. Бу табрикнома КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика ишлаб чиқарувчи кучларини муттасил ва тез ривожлантириш тўғрисидаги кундалик гамхўрлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

(Давоми 2-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Ўзбекистон ССР коммунистлари, барча меҳнаткашлари республика меҳнатчиларининг катта ғалабаси — давлатга пахта, дон, сабзавот, мева, картошка, полиз экинлари, узум, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш юзасидан 1980 йилги социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик план ошириб бажарилганлиги муносабати билан Сизнинг самимий табрикномангизни зўр завқ-шавқ билан ва жонажон Коммунистик партияга астойдил миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олдилар.

Совет Ўзбекистони ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг ютуқларига КПСС Ленинчи Марказий Комитетининг табрикномасида берилган юксак баҳони республикамиз меҳнатчилари партия билан ҳукумат, азиз Леонид Ильич шахсан Сиз Советлар мамлакати халқларининг ягона оиласида Ўзбекистон ССРнинг ҳар томонлама равнақ топиши тўғрисида қилаётган кундалик ғамхўрлик ва оталарча эътиборининг яна бир ёрқин намуналари, деб билмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнатчилари пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда эришган муваффақиятлар — КПСС ленинча доно аграр сиёсати, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари, Леонид Ильич, Сизнинг йўл-йўриқларингиз, маслаҳатларингиз ва истакларингиз қизғинлик билан амалга оширилишининг натижаларидан биридир. Унинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда эришилган кўрсаткичлар республика меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганликларининг, ҳар бир совет мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлигининг моддий ифодасидир.

Республика пахтакорлари, барча меҳнатчиларининг мисли сиз ғалабасига зарбдорларча меҳнат қилиш, ленинчасига ишлаш йили бўлиб қолган Владимир Ильич Ленининг 110 йиллик юбилейи йилида эришилганлиги гоят шонли воқеа бўлди. Бу ғалаба ўнинчи беш йилликдаги муваффақиятларининг муносиб гултожи бўлиб, келгуси йиллардаги иқтисодий ва социал ривожланишининг янги истиқболларини очади.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг қарорлари барча совет кишилари қаторн Ўзбекистон меҳнатчиларини ҳам илҳомлантирмоқда. Сизнинг Пленумда сўзлаган ва чуқур ленинча анализ руҳи билан суғорилган ёрқин нутқингиз партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари фаолиятининг конкрет жанговар программаси бўлиб хизмат қилади, омма меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада қудратли равишда жўш урдиради.

Жонажон партиянинг коммунистик қурилиш янги марраларини белгилаб берадиган XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари зарбдор съездолди вахтасида туриб ва социалистик мусобақанн кенг кулоч ёздириб, беш йилликнинг тугалловчи йилида янги чўққиларга эришишни, ўн биринчи беш йилликда самарали ишлаш учун яхши замин яратишни кўзламоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, биз—КПСС Марказий Комитетининг табрикномасига бағишланган тантанали митинг қатнашчилари Совет Ўзбекистонининг барча коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари номидан Сизга тинчлик ва тараққиёт, Ватанимизнинг равнақи, Ленин ғояларининг тантанаси йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, энг эзгу ва қизғин истаклар йўллаймиз. Сизга битмас-туганмас куч-ғайрат, катта бахт-саодат, баҳодирона бардамлик, узоқ умр тилаймиз.

Партия ва унинг Сиз бошчилигингиздаги ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашган Ўзбекистон ССР меҳнатчилари мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш ишига ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини бундан бўён ҳам сарфлайверадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, азиз Леонид Ильич, Сизга ваъда берамиз.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ўртоқ Бабрак Кармал ватанига жўнаб кетди

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал 5 ноябрь куни Тошкентдан Қобулга жўнаб кетди.

Афғонистон Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР дадил байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бабрак Кармални КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов, бошқа расмий кишилар, Тошкент меҳнаткашларининг намояндалари, шаҳардаги ўқув юртларида таълим олаётган афғон ёшлари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

БУЮК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира борибқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини муттасил бажарибқ, партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг авж олган бир вазнятда улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар — пахтадан рекорд миқдорда ва эртаги ҳосил етиштирдилар, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар, шу йилги план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этдилар. Давлат тайёрлов пунктларига биринчи марта 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта элтиб берилди, бу эса пландагидан 300 минг тонна кўпдир. Жами пахтанинг 341 минг тоннаси энг қимматли нигичка толали нав пахтадан иборатдир. Пахта терими ва тайёрлаш давом этмоқда.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида мамлакат халқ хўжалиги Ўзбекистонининг 28 миллион 380 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин»ини олди, бу — планлаштирилганга қараганда 800 минг тонна ортиқдир.

Пахтакорларнинг меҳнат ғалабаси қаттиқ ва машаққатли курашда қўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган йилларн осон бўлмади. 1978 ва 1979 йиллар айниқса оғир келди. Кўкламгн совуқ ёмғирлар, қаттиқ шамоллар, дўл ёғиши гоят катта майдонларда ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Чигит қайта экилган ерлар миллион гектарга етди. Ёз ойларидаги сув танқислигидан кейин йиғим-терим даврида кўпинча қор аралаш узоқ давом этган ёмғирлар ёғди. Бу йил ҳам осон йил бўлмади. Ёз фаслидаги мислсиз жазирама республиканинг бир қанча областларида сувни жуда тақчил қилиб қўйди. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва маҳорати, механизациянинг юксак даражада эканлиги ва ҳар бир далада ишлар пухта ташкил этилганлиги, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами, ўртоқ Л. И. Брежнев республика эҳтиёжларига шахсан доимо эътибор беравётганлиги туфайлигина табиатнинг барча ноқулайликларини бартараф этишга, олтин миллионли маррага эришиш ва ҳатто ундан ўзиб кетишга муваффақ бўлинди.

Бу йил республикада ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 32,5 центнердан — 1975 йилга нисбатан 4,2 центнер кўп бўлди. Хоразм областининг хўжаликлари гектар бошига 41 центнердан, Бухоро областининг хўжаликлари 37 центнердан, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари 35 центнердан, Андижон областининг хўжаликлари 33,5 центнердан ҳосил кўтардилар, 53 район 35—48 центнердан, кўпгина илғор колхозлар ва совхозлар, юзлаб бригадалар эса гектар бошига 50 центнердан ва ундан кўп пахта олдн.

Шу илғор тажриба пешқадамлари орасида Беруний районидаги Навоий номли, Ҳўжайли районидаги Ленин номли, Ғиждувон районидаги С. Айний номли, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», Жиззах районидаги Навоий номли, Пахтачи районидаги К. Маркс номли, Шўрчи районидаги «Ленинобод», Галаба районидаги «Победа», Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозлар, шунингдек Сармосиё районидаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози, Амударё районидаги Крупская номли колхозлар Қозоқ Комолов бошчилигидаги пахтакор бригада, Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхозлар Сардатхон Муйдинова, Ромитан районидаги Нариманов номли колхозлар Истам Турсунов, Мирзачўл районидаги Абай номли совхозлар Рўёб Маматова, Нишон районидаги К. Маркс номли совхозлар Маҳкамой Хазратқулова, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозидан Абдусаттор Шарипов, Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхозлар Шониёз Турсунов, Қумқўрғон районидаги «Қизил октябрь» колхозидан Хасан Мухторов, Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхозлар Шариф Субхонов, Чиноз районидаги Киров номли колхозлар Турсуной Охунова, Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхозлар Қозоқбой Ортиқов, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозлар Гулям Хаитмбетов бошчилигидаги пахтакор бригадалар ва бошқа кўпгина бригадаларнинг коллективлари бор.

Ҳар қачонгидек бу йилги мавсум ҳам тинғиз бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар қалб амри билан пахтакорларга ёрдам берганн келдилар. Уларнинг ҳаммаси юксак онглилик ва интизом билан, деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, ҳосил теримида фидокорона меҳнат қилдилар.

Механизаторлар мўл ҳосил етиштириш ва уни қисқа муддатларда териб олишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар гўза парваришининг ҳамма босқичларида катта жонбдий меҳнат қилиб, машинада илк бор 3,9 миллион тонна пахта тердилар. Бу миқдор тайёрланган жами пахтанинг 64 процентини ташкил қилади. Бу йил республика далаларида 34 мингдан кўп терим машиналари, 95 минг трактор прицеплари, кўпдан-кўп машиналар ва механизмлар ишлади.

Пахта терими техникасидан оммавий равишда фойдаланилганлиги, йиғим-терим ишларини ташкил этишда илғор-новаторлар методидан кенг фойдаланилганлиги туфайли бу йилги мавсумда пахта тайёрлашда мисли кўрилмаган юксак суръатларга эришилди. Республикада йиғим-терим мавсуми айни авж олган пайтда кунлик пахта топшириш 200 минг тоннага етди. Бу эса пахта тайёрлаш умумий ҳажмининг 3,5 процентини ташкил этади. Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида ҳосилнинг 80 процентдан кўпроги машиналар билан териб олинди. Бу областларда ҳар куни 5—6 процентга етказиб пахта тайёрланди, кўпгина районларда эса бу кўрсаткич 8—10 процентга етди. Илғор колхозлар, совхозлар айрим районлар ҳосилни машиналарда териш умумий ҳажмини 90—95 процентга етказдилар. Минглаб механизаторлар йиғим-терим техникасидан юксак унум билан фойдаланиш учун курашиб мавсумда 300—350 тоннадан ва ундан ошиб пахта териб олдилар. Улар орасида Элликкалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Искандар Қаландаров, Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозидан Маҳаммад Курчиев, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозидан Тўлан Дадажонов, Қарши районидаги С. Раҳимов номли совхозидан Мастура Файзиева, Задарё районидаги «Украина» совхозидан Сирожиддин Киремиддинов, Нарпай районидаги Испом-шекр номли совхозидан Усмон Мамадиёров, Ленин Йўли районидаги Охунбобоев номли совхозидан Шайдулло Ҳазратов, Ильич районидаги «Правда» совхозидан Минавар Мирбобоева, Пискент районидаги Тельман номли колхозидан Маннон Қўшаев, Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхозидан Камол Мамараимов, Хива районидаги Оғаҳий номли колхозидан Собир Раҳимов ва бошқа кўпгина механизаторлар бор.

(Давоми 3-бетда).

ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИ СЕНГА ТУҲФАДИР, ВАТАН!

(Бошн 1-бетда).

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур маънога тўла самимий сўзлари республика меҳнаткашларига завқ-шавқ бахш этади, уларни янги шонли ишларга чорлайди. Қишлоқ меҳнаткашлари Ленин партиясининг режаларини амалга ошириш учун курашда сўз ва ғайратга тўлиб-тошдилар. Улар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билангина чекланмасдан, бу муваффақиятларни кўпайтиришга, КПСС XXVI съездини янги ютуқлар билан нишонлашга азму қарор бердилар.

Азиз Ўртоқлар, катта ғалаба билан табриклаганликлари учун, камтарин меҳнатимизга гоят юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневга сизларнинг номингиздан, сиздар орқали эса республиканинг барча меҳнаткашлари номидан астойдил миннатдорчилик ва чин кўнгилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бизнинг пахта майдонида бу йил эришган ғалабамиз — партия ленинча аграр сиёсатининг ҳаётийлиги ва кучини, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларининг донолигини исботловчи яна бир ёркин мисолдир.

Бизнинг ғалабамиз — КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, мамлакатдаги барча қардош халқлар ва аввало, улуғ рус халқининг республикага тобора кўплаб бераётган ёрдами натижасидир.

Бизнинг ғалабамиз —кадрларимиз битмас-туганмас меҳнатсеварлиги ва илҳомбахш маҳорати, қатъий иродаси ва бениҳоя зўр масъулият, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, Ўзбекистон барча меҳнаткашлари юксак ижодий активлиги уйғунлигининг тимсолидир.

Бизнинг ғалабамиз — республика партия ташкилоти, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол юксак ишчанлиги ва собитқадамлиги амалий ишда мужассамлашганлигининг ифодасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча меҳнаткашларини эришилган ғалабаларга ва ўлкага киритилган натижаларга ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида берилган юксак баҳо билан чин кўнгилдан, астойдил мубораксод этадилар.

Биз КПСС XXV съездига берган ваъдамизни шараф билан бажо этдик. Тайёрлов пунктларига 6 миллион 100 минг тонна пахта элтиб берилди. Республикада бунча миқдордаги пахта биринчи бор етиштирилди. Пахтакорларнинг бу йилги ғалабаси машаққатли курашда кўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган йилларн осон келмади. Кўкламги жала ёмғирлар, қаттиқ шамоллар ва дўлдар катта-катта майдонлардаги экинларни нобуд қилди. Миллион гектаргача ерларга қайта чигит экилди. Ёз ойларида сув тақчил бўлса, пахта терими пайтида сурункасига ёмғир ва қор ёғиб турди.

Бу йил ҳам енгил бўлмади. Июлдаги ҳаддан ташқари юқори ҳарорат сув тақчиллигини кучайтирди. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва маҳорати туфайли, механизация даражаси юксак кўтарилганлиги, ҳар бир даладаги иш пухта йўлга қўйилганлиги туфайлигина табиатнинг ҳамма инжиқликларини енгишга, рекорд миқдордаги пахта ҳосили етиштиришга ҳамда уни ҳеч нобуд қилмай уюшқоқлик билан теришга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий миннатдорчилик билдиришга, уларга бардамлик, бахт-саодат ва Ватанимиз манфаатлари йўлида янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Механизаторларга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг маҳорати ва ҳалол меҳнати натижасида 3 миллион 900 минг тонна пахта ёки хосилнинг 64 процентн машинада терib олинди.

Қийин кунларда ҳамиша пахтакорларга ҳамнафас бўлган сув хўжалиги меҳнаткашларига, Госкомсельхозтехника ходимларига, тайёрлаш, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг коллективларига, қишлоқ хўжалик авиацияснинг учувчиларига, олимлар ва мутахассисларга, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларига чуқур ҳурмат изҳор этамиз.

Етиштирилган ҳосилга республика саноат корхоналарининг коллективлари — машинасозлар, химиклар, энергетиклар катта ҳисса қўшдилар. Улар қишлоққа техника, минерал ўғит ва бошқа моддий-техникавий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериб, шу тариқа колхоз ва совхозларга амалий отаплиқ ёрдами кўрсатдилар.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришда қардош республикалар—Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткчилари билан анъанавий социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади. Биз қардошларимизга ва мусобақадош дўстларимизга оташин салом сўзлари йўллаймиз ҳамда уларга ленинчи партия режаларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар. Улар юксак онглилик ва интизом намуналарини кўрсатиб, пахта теримида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, завқ билан меҳнат қилдилар. Мана шунинг учун уларга таъзим қиламиз ва бутун халқ номидан ташаккур айтамиз!

Ғаллакорларимиз ҳам ажойиб натижаларга эришдилар. Улар 1980 йилда 2 миллион 580 минг тонна дон етиштирдилар ва ўнинчи беш йилликда давлатга 5 миллион тонна сифатли маҳсулот топширдилар. Бунинг маъноси шуки, тўққизинчи беш йилликка нисбатан дон тайёрлаш икки баравар кўпайди.

Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ўнинчи беш йилликда давлатга 13,6 миллион тонна, яъни планда белгиланганидан 2,4 миллион тонна кўп мева-сабзавот маҳсулоти сотилди.

Пиллачилар ҳам беш йилликни муваффақиятли тугалладилар. Беш йил мобайнида мамлакат 141 минг тоннадан кўпроқ пилла олди. Пландан ташқари 20 минг тоннага яқин пилла топширилди.

Каноп ва тамаки сотиш юзасидан олинган мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш суръатлари йил сайин тезлашмоқда. Ҳамма турдаги чорва туёғи ва парандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, давлатга чорвачилик маҳсулоти сотиш ҳажми ортди. Сут, тухум, қоракўл, жун тайёрлаш беш йиллик планларни бажарилди. Яқинда гўшт тайёрлаш топшириғи бажарилди. 1975 йилга нисбатан гўшт харид қилиш 32 процент, сут харид қилиш 46 процент, тухум харид қилиш 63 процент ортди, биз мамлакат озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшаётган ғаллакорлар, сабзаворкорлар, боғдорлар ва чорвадорларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Партиянинг ленинча аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини кучайтириш имконини берди. Ўнинчи беш йилликда колхоз ва совхозларнинг ялпи маҳсулоти ўтган беш йилликка нисбатан пландаги 22 процент ўрнига 24,5 процент кўпайди. Ялпи пахта ҳосилининг ўсиши асосан интенсивлаш омиллари ҳисобига таъминланаётганлиги — ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтиришнинг 70 процентини қўлга киритиш имконини берганлиги характерлидир. Энг қимматбаҳо нигчка толали пахта етиштириш йилига ўрта ҳисобда 1,5 баравар кўпайди.

Беш йиллик мобайнида республика саноати янги муваффақиятларга эришди. Транспорт ва алоқанинг ишида, капитал қурилишда ва экономиканинг бошқа тармоқларида ижобий сифат силжишлари содир бўлмоқда. Халқ хўжалигининг ўзлуксиз ривожланиши энг муҳим социал вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш имконини бермоқда.

Йил ва умуман беш йиллик якунлари бизни қувонтиради. Ҳаққоний ифтихор туйғусини кучайтиради. Шу натижаларни муносиб якунлаш билан бирга бутун диққат эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, экономикани янада ривожлантириш учун янги резервлар қидиришга қаратишимиз, тинимсиз олға боришимиз, тинимсиз кўпроқ муваффақиятларга эришишимиз керак.

Шу боисдан ҳам биз эришилган маррага эртанги кун позицияларида туриб, келгусида ҳал этиладиган янги, янада мураккаб вазифаларни эътиборга олиб, баҳо беришимиз керак.

Бу вазифалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги нутқида ва СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 1981 йил учун тасдиқлаган планларда аниқ белгилаб берилган. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, гоят улкан иш қилиниши керак, шу дамгача бўлганидан бир неча марта кўп меҳнат сарф қилиниши лозим.

Саноат, капитал қурилиш, фан ва маданият янада ривож топади, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида ҳам янги, янада кенг миқёсли вазифалар турибди. 1981 йилда далаларнинг ҳосилдорлигини янада ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш керак. Келгуси ҳосилга шу бугун асос солинади. Шу сабабли далаларни ғўзапоядан тезроқ тозалаш, кузги-қишки тадбирларни ўтказиш — ер ҳайдаш, далаларни текислаш, маҳаллий ўғит тўплаш ва ерга солиш суръатларини ошириш зарур. Ерларнинг шўрини ўз вақтида ювиш, коллектор зовурларни ва каналарни тозалаб қўйиш лозим.

Кузги экинлар, шунингдек кеч кузги ҳашаки экинлар экишни тезроқ тугаллаш керак. Шоли ва маккажўхори экиладиган ерларни яхшилаб тайёрлаб қўйиш, 1981 йилда шу экинлардан мўл ҳосил олиш учун ҳамма чораларни кўриш зарур. Бу — бизнинг дон етиштиришни кўпайтиришдаги асосий резервимиздир.

Мева, сабзавотчилик соҳасида сабзавот ва полиз экинлари, боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини уларда маҳсулот етиштиришни янада интенсив фойдаланиш асосида бундан ҳам ошириш лозим. Картошка етиштиришни кескин кўпайтириш лозим.

Қиш — чорвадорлар ишида энг масъулиятли фасл. Чорва қишловига яхши ҳозирлик кўриш — уни уюшқоқлик билан ўтказиш, молларнинг маҳсулдорлигини янада оширишга эришиш керак.

1981 йилги вазифалар тиғиз бўлса ҳам, аммо бемалол бажарса бўладиган реал топшириқлардир. Бу топшириқларнинг бажарилишини пухта ташкилотчилик иши, юксак интизом, қаттиқ контроллик билан мустаҳкамлаш, экономикамизнинг бирон бир соҳасида орқада қолувчилар бўлмаслигига эришиш зарур. Омманинг меҳнат ғайратини кучайтириш, ҳар бир коллективда аҳил ишлаш, ижодий ғайрат муҳитини вужудга келтириш, социалистик мусобақани тобора кенг авж олдириш, унинг қатнашчиларини юксак пировард натижаларга, сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтириш муҳимдир.

Республиканинг қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи-деҳқонлари, мутахассислари ва олимлари, барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг ғамхўрлигига жавобан 1980 йилги топшириқларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар. КПСС XXVI съездини янги заҳматлар билан нишонлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Ш. Р. Рашидовнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлинib турди.

Ўзбекистоннинг миллионмиллион меҳнаткашлари халқ бахт-саодати тўғрисидаги, ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун жонажон Коммунистик партияга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқдалар. Совет пахтачилигига, «оқ олтин» ижодкорларига жуда катта эътибор бераётган азиз Леонид Ильич Брежневга улар зўр ташаккур изҳор этмоқдалар. Митинг минбарига чиққан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов, Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Маҳкамов, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси карбамид цехининг аппаратчиси В. Н. Войкина, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиги С. Каримов, Тошкент давлат медицина институтининг студенти Г. Аъзамова шу ҳақда гапирдилар.

Ҳамма нутқларда баён этилган фикрлар шундан иборат бўлдики, совет кишилари севикли Ватан шуҳрати ва қудратини ўз меҳнати билан улуғлаш, мамлакатимиз халқларининг Ильич, Октябрь революцияси чиниқтирган, ҳамма ғалабаларимизнинг манбаи бўлиб қолган, Ўзбекистон пахтакорларига баҳодирона куч бахш этган дўстлигини мустаҳкамлаш иштиёқи билан яшамоқдалар. Нотиқлар республиканинг барча меҳнат коллективларида ғайрат-шижоат жўш ураётганини гапириб бердилар. Ишчилар ва колхозчи-деҳқонлари, мутахассислари ва олимлари, барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг ғамхўрлигига жавобан 1980 йилги топшириқларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар. КПСС XXVI съездини янги заҳматлар билан нишонлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Ш. Р. Рашидовнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлинib турди.

Ўзбекистоннинг миллионмиллион меҳнаткашлари халқ бахт-саодати тўғрисидаги, ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун жонажон Коммунистик партияга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқдалар. Совет пахтачилигига, «оқ олтин» ижодкорларига жуда катта эътибор бераётган азиз Леонид Ильич Брежневга улар зўр ташаккур изҳор этмоқдалар. Митинг минбарига чиққан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов, Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Маҳкамов, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси карбамид цехининг аппаратчиси В. Н. Войкина, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиги С. Каримов, Тошкент давлат медицина институтининг студенти Г. Аъзамова шу ҳақда гапирдилар.

Ҳамма нутқларда баён этилган фикрлар шундан иборат бўлдики, совет кишилари севикли Ватан шуҳрати ва қудратини ўз меҳнати билан улуғлаш, мамлакатимиз халқларининг Ильич, Октябрь революцияси чиниқтирган, ҳамма ғалабаларимизнинг манбаи бўлиб қолган, Ўзбекистон пахтакорларига баҳодирона куч бахш этган дўстлигини мустаҳкамлаш иштиёқи билан яшамоқдалар. Нотиқлар республиканинг барча меҳнат коллективларида ғайрат-шижоат жўш ураётганини гапириб бердилар. Ишчилар ва колхозчи-деҳқонлари, мутахассислари ва олимлари, барча

БУЮК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

[Бошн 1-бетда].

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари катта хирмон учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар. Бухоро областининг хўжаликлари давлатга 623 минг тонна, Самарқанд областининг хўжаликлари 616 минг тонна, Андижон областининг хўжаликлари 611 минг тонна, Фарғона областининг хўжаликлари 589 минг тонна, Қашқадарё областининг хўжаликлари 583 минг тонна, Сурхондарё областининг хўжаликлари 540 минг тонна, Тошкент областининг хўжаликлари 480 минг тонна, Наманган области хўжаликлари 450 минг тонна, Хоразм областининг хўжаликлари 433 минг тонна, Сирдарё областининг хўжаликлари 418 минг тонна, Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари 411 минг тонна, Жиззах областининг хўжаликлари 353 минг тонна пахта сотдилар.

Шу йил республика деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

Республикада 2580 минг тонна дон етиштирилди. Давлатга унинг миллион тоннадан кўпроғи — шу йил учун белгиланган тайёрлаш ҳажмидан 34 процент кўпи сотилди. Беш йиллик бошидан бери эса 5 миллион тонна дон сотилди. Бу миқдор белгиланган ҳажмдан 1562 минг тонна ортади. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан дон тайёрлаш икки баравар кўпайди.

Республиканинг мева ва сабзаворкорлари янги муваффақиятларга эришдилар. Бу йил давлатга 2893 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу миқдор йиллик топшириқдан 258 минг тонна ортади. Мамлакатнинг саноат марказлари учун умумиттифоқ фондига 928 минг тонна-си ортиқ жўнатилди. Бу миқдор планда кўзда тутилгандан 172 минг тонна кўпдир.

Ўнинчи беш йилликда жами 13,6 миллион тонна — пландан 2,4 миллион тонна кўп мева, сабзавот сотилди. Умумиттифоқ фондига маҳсулот юбориш тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1,6 баравар кўпайди.

Пиллачилар йиллик муваффақиятли якунладилар. Давлатга биринчи марта 30 минг тоннадан кўп пилла сотилди. Бу планнинг 116,5 процентини ташкил қиладн. Беш йил ичида мамлакат 141 минг тоннадан кўп пилла олди, пландан ташқари 20 минг тоннага яқин пилла топширилди.

Каноп сотиш мажбуриятн оширнб бажарилди: 334 минг тонна каноп тайёрланди. Беш йил ичида 1580 минг тонна — пландан ташқари 30 минг тонна каноп тайёрланди.

Чорвачиликнинг тараққиёт суръатлари йил сайин тезлашиб бормоқда. Бултургн йилга нисбатан чорва ва парранда ҳамма турлари кўпайдн, айловда ва бўрдоқига боқиш яхшиланди, маҳсулдорлик ошди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш топширнқдан илдам бормоқда. Давлатга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 процент кўп чорва ва парранда, 8 процент кўп сут, 11 процент кўп тухум сотилди. Сут, тухум, қоракўл тери ва жун тайёрлаш юзасидан беш йиллик топшириқ оширнб бажарилди. Гўшт тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқ ҳам барвақт — ноябрнинг ўрталарида бажарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришн янада ўстиришни ва чорвачиликнинг самарадорлигини муваффақиятли таъминлаш мақсадида ем-хашак ресурсларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хашак тайёрлаш плани 117 процент бажарилди. Сенаж, силос ва витаминли ўт талқони ўтган йиллигига қараганда анча кўп тайёрланди. Ем-хашак запасларини тўлдириш давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарорн пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштириш ҳамда тайёрлашнн кўпайтиришда муваффақиятларнн қўлга киритишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор дала ва фермалар механизаторларининг, қишлоқ хўжалигн ва сув хўжалигн мутахассисларнинг ижодий активлигини кучайтирнб юборди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол ана шу қарорни бажара борнб, қишлокда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини анча оширдилар. Қишлоқ партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ошириш ишчнн беришда ва сотишда

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НИМА?

БАЙРАМ КУНЛАРИДА

ҚУШ ҚУВОНЧ

Байрам тантаналарини янги, шинам, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйда кутиб олишга не етсин. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шодиёналари арафасида пойтахтимизда истиқомат қилаётганлардан 500 онла ана шундай қўш қувончга муяссар бўлди.

Қўли гул қурувчилар байрам шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада яхши натижаларга эришиб, бир нечта турар-жой бинолarини фойдаланишга топширдилар. Қўйлиқ, Юнусобод массивларида, Академиклар шаҳарчасида, «Марказ»-14, «Марказ»-26 микрорайонларида ҳар бири 90 онлага мўлжалланган турар-жой бинолarининг калитларини ўз эгаларига топширилди. Бу ерда байрам тантаналарига уй тўйлари шодиёналари қўшилиб кетди.

Областимиз шаҳарлари қурувчилари ҳам байрамни катта ютуқлар билан қаршиладилар. Улар янги-янги турар-жой бинолари калитларини механизаторларга топширдилар. Байрамгача Олмалиқ шаҳрида 28 минг, Ангрен шаҳрида 37,9 минг, Чирчиқ шаҳрида эса 40 минг квадрат метр турар-жой бинолари қуриб битказилди. Бу ерларда ҳам уй тўйларини байрам шодиёнасига қўшилиб кетди.

ГУЛЛАР ПОЕНДОЗ

Сергели райони механизаторлари байрам арафасида янги совға олдилар. Район марказида гуллар билан савдо қилувчи магазин ишга тушди. Савдо шохобчасида турли хил турфа гулларни харид қилиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳар қандай байрамни гулларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам гулчилар бу айёмга ҳар йилгидан ҳам барвақтроқ тайёргарлик кўрдилар. Биргина пойтахтимизнинг ўзида ишлаб турган ўнта гул дўконига чинни гул, хризантема, атиргул ва бошқа анвойи гуллар мунтазам равишда етказиб бериб турилади. Тошкент гуллари метро станцияларини ҳам безайди. Тошкент метрополитенининг «Октябрь инқилоби», Ҳамза, «Чилонзор», Максим Горький станцияларида кўчма гул дўконлари ташкил этилади. Шунингдек, ўлкамизда ўстирилган турфа гуллар Иркутск, Свердловск, Красноярск каби йирик саноат шаҳарларига ҳам етказиб берилади.

ШИРАСИ ТИЛНИ ЕРАДИ

Хоразм қовуни, Қува анори, Паркент узуми... Саҳий ўлкамиз далаларида, боғларида пишиб етилган турли-туман ноз-неъматлар пойтахт бозорларига пештахталарини безаб турибди.

Байрам арафасида республикамиз областларида турли ноз-неъматлар ортилган қизил карвон пойтахтга қараб йўл олди. Шаҳар бозорларида ташкил этилган савдо ярмаркаларида ҳар куни ўрта ҳисобда 960 тоннадан сифатли маҳсулот сотилди. Байрамолди ярмаркасида тошкентликлар жами 6 минг тонна сабзавот, мева, картошка ва полиз маҳсулотлари харид қилдилар. Ҳамшаҳарларимизга айниқса, Фарғона, Андижон, Наманган областларидан келтирилган маҳсулотлар маъқул бўлди.

УЙ БЕКАЛАРИГА ЕРДАМ

Кеча СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводининг ҳовлисида ярим фабрикат маҳсулотларидан савдо ярмаркаси ташкил қилинди. Бу ердан корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари энг мозор пазандалар тайёрлаган турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб олдилар.

Шаҳар савдо ва умумий овқатланиш ташкилоти ана шундай савдо ярмаркаларини пойтахтдаги барча йирик корхоналарда, А. Навоий номли майдонда уюштирди. Улар байрам кунларида ҳам аҳолига намунали хизмат қилишни режалаб қўйдилар. Жумладан, меҳнаткашлар намойиши куни 550 дан ортиқ кўчма буфетлар, 70 га яқин озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи автолавкалар ишлаб туради. Барча кафе ва ресторанлар байрам столи учун буюртмалар қабул қилади. Шунингдек, байрамга атаб тайёрланган турли совғалардан уй бекаларининг оғирини енгил бўлади.

ҚАНДОЛАТЧИЛАР ТУҲФАСИ

Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолат фабрикаси муҳри билан бугунги кунда юз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шубҳасиз уларнинг аксарияти байрам дастурхонини безайди.

«Оқ олтин», «Дўстлик», «Тошкент», «Ўзбекистон», «Маймоқ айиқча», «Антракт» каби шоколадлар истеъмолчиларга эскидан манзур. Байрам туҳфалари орасида сўзсиз янги маҳсулотлар ҳам бор. Булар «Орион», «Роҳат кўли» деб номланган конфетлардир. Қандолатчилар ана шундай маҳсулотларни савдо шохобчаларига кўплаб етказиб бердилар. Юз минг қути маҳсулот эса махсус байрам совға набори қилиб чиқарилди.

ТАБРИК ВА ҚУТЛОВЛАР

Ҳеч ким қариндошуруғларини, ёру-дўстларини байрам билан табриклашни унутмаган бўлса керак. Қутлуғ айёмда Тошкент Главпочтампти ходимлари хизматда бўлишади. Улар табрик телеграммаларини ўз вақтида эгасига топширдилар.

— Байрам табрикларини ўз вақтида кечиктирмай етказиб бериш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқанмиз, — дейди почта электр алоқа бўлими бошлиғи Зол Карпова. — Шаҳар бўйича қутловларни тарқатиш учун қўшимча 12 та махсус автомашина ажратилди. Хушхабарчилар сони эса 700 кишига ортди. Улар икки сменада ишлаб табрик ва қутловларни адреслар бўйича пешма-пеш етказиб беришади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, Р. ШЕРАЛИЕВ.

ВЕТЕРАН ҲИКОЯСИ

ИНҚИЛОБДАН НУРАФШОН ҚИШЛОҚ

Қишда лой, ёзда чанг-тупроқ қишлоғимиз кўчалари ҳамон эсимда. Айрим жойларда қарама-қарши томондан тўқнаш келиб қолган «кўкон арава»ларнинг эгалари йўл торлигидан четроқ тўриб бир-бирларини ўтказиб юборишарди. Ён-атрофдаги лойсувоқ, пастқам уйлар бечора кўринарди.

Октябрь шуъласидан нурланган бугунги қишлоғимиз қиёфаси тамоман ўзгача. Кенг ва равон кўчалар, ипга тортилгандай бир текис ойнаванд иморатлар кўзни қувнатади. 2300 дан зиёд аҳолиси бўлган қишлоқ Советимиз территориясидаги қайси хонадонга қадам қўйманг, фаровонлик, тўқчиликнинг гувоҳи бўласиз. Уларнинг ҳар бири Ильич чироқларидан нурафшон, радио, телевизор, холодильник каби маданий, рўзғор буюмлари, гилам ва гарнитурлар билан жиҳозланган. 1200 ойлада хусусий енгил автомашина бор.

Буларнинг ҳаммаси инқилоб берган меҳнат қилиш ҳуқуқининг шарофатидир. Дарҳақиқат территориямиздаги Свердлов номли, «Иваново» совхозлари ва бошқа хўжалик ҳамда ташкилотларнинг экономикаси йил сайин тараққий топмоқда. Жумладан ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида қишлоғимиз меҳнаткашлари она-Ватанга 249 тонна гўшт, 1993 тонна сут, 800 минг дона тухум, 8500 тонна сабзавот, 610 тонна картошка, 1100 тонна карам, 480 тонна узум ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пешона тери билан яратилган бойлик асосан элюрт фаровонлигига сарф этилиб, ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший шароитлари тобора яхшиланяпти.

Ҳозир қишлоқ территориясида 13 та кундузги ва кечки мактаблар, ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Уларда меҳнаткашларнинг 5500 фарзанди таълим-тарбия олаётир. 350 нафар олий ва тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар ўқувчиларнинг фан асосларини пухта эгаллашлари йўлида бутун маҳоратларини сарфлашаяпти.

Халқ соғлиғи — юрт бойлиги дейишади. Партия ва ҳукуматимиз кишилар саломатлигини сақлашга кун сайин катта эътибор бермоқда. 3 та шифохона, 8 та медпункт ходимлари ҳамқишлоқларимиз саломатлигини муҳофаза қилишяпти. Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш соҳасидаги тадбирлар ҳам яхши натижа бермоқда. «Райҳон» савдо маркази, 32 та магазин, умумий овқатланиш тармоғига қарашли 7 та ошхона, 5 та нонвойхона ва чойхоналар халққа хизмат кўрсатмоқда. Яқинда дипломат-папка ишлаб чиқариш цехи маҳсулот бера бошлади.

Буларнинг ҳаммасида қишлоқ Совети депутатлари ва ижроия комитетининг ҳиссаси катта. З. Ғуломов, Қ. Ҳамроев, К. Тўраев, И. Муҳиддинов сингари халқ вакиллари қишлоқ территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилишлар суръатини жадаллаштиришда активлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг ғайратлари туфайли кейинги вақтларда марказий кўчага неон чироқлари ўрнатилди, кўплаб кўчалар асфальтланди. 20 километр масофага табиий газ трубалари тортилди. 150 ўринли лекторий бинoси, 1300 тонна маҳсулот сақлайдиган омбор, 2 та шинам дала шийпони бунёд этилди. Зангиота маҳалласида 536 ўринли замонавий мактаб бинoси, 37, 38, 39 ва 40-мактабларда қўшимча синф хоналари қурилди. Қишлоқ Советининг депутатлари Қ. Пиримқулов ва Р. Усмоновларнинг ташаббуси билан эса «Сартепа» маҳалласи аҳолиси учун артезиан қудуғи казиб, сув чиқарилди.

Қишлоқ Совети территориясида диққатга сазовор жойлар, тарихий ёдгорликлар кўп. Шулардан бири В. И. Ленининг 100 йиллигига бағишлаб 34-мактаб ҳовлисига ўрнатилган доҳий бюстидир. Байрам ва тантана кунларида қишлоғимиз аҳолиси бу ерга келиб, унинг пойига гуллар қўйишади, Зангиота тарихий илмий-атеизм музейи филиалида, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнида бўлишади. Улуғ Октябрь инқилоби учун, она-Ватан ҳимояси учун жон бағишлаганлари эслаб, бош эгиб таъзим қиладилар...

Б. БОБОХОНОВ, Калинин районидаги Свердлов номли қишлоқ Совети.



Улуғ Октябрь шодиёналарини яхшилаш учун Тошкент кабель заводи маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективи аъзолари ҳам қизғин тайёргарлик кўришган. Улар ўзларининг замонавий куй ва қўшиқлари, рақслари билан завод ишчи-хизматчилари дил ларини хушнуд этмоқдалар. Суратлар да: (чапда) раққоса қизлардан Д. Расулова, М. Мирзабоева, Г. Қодирова; тўгарак қатнашчиларининг бир группа си машқ пайтида. В. Сироткин фотолари.

ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛЛАРИ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси Раббим НУРЖАЕВга



Камтар, камгап ҳам беозор.
Нур ёғилар афтидан.
Қанча-қанча пўлатларни
Эритди қалб тафтида.
Узинкинг ҳам кўнгли тўлди,
Меҳнатида нашида,
Унутилмас совға бўлди
Унга енгил машина.

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси шифохонасининг жарроҳи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Носир ХЎЖАЕВга



Ўз касбининг устаси
Юрагини ҳам очади.
«Кўпчилик» кўрса уни,
Типирчилаб қочади.
Қўлидаги тиғидан
Нажот топаркан бемор,
Тўхтаб севинч—йиғидан
Дейди: раҳмат шифокор!

Редактор Н. НАСИМОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

СУВ ПОЛОСИ. Харьков шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда иноқоясига етган ўсмирлар ўртасидаги СССР чемпионатида Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ватерполчилари ғолиб бўлдилар.

Дастлабки учрашувларда бир йўла икки командa ўз активларига ўтгадан очко ёзишди. Бу «Меҳнат» ва Москванинг «Юность» командалари эди. Мусобақа низомига кўра икки коллектив ўртасида қўшимча баҳс белгиланди. Ўйинни уюшқоқлик билан ўтказган тошкентлик ёш ватерполчилар 7:5 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Республикада хизмат кўрсатган тренер Виктор Харитонов шогирдларининг эришган катта муваффақияти тасодифий эмас. Бу ўлкамизда сув полоси спорти жадал ривожланаётганлигининг ёрқин далилидир.

КЛАССИК КУРАШ. Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси бир неча кун ишқибозлар билан гавжум бўлиб турди. Бу ерда ўзбек генерали Собир Раҳимов хотира-соврини учун Бутуниттифоқ VIII анъанавий мусобақалари бўлиб ўтди. Унда саккиз иттифоқчи республиканинг 17 шаҳридан келган 217 спортчи гиламга тушди.

Биринчи марта турнир ғолиби деб тан олинган тўққиз спортчига СССР спорт мастери унвони берилди. Уларнинг олти нафари Тошкент ва пойтахт области вакиллари эканлиги айниқса қувонарлидир. Ҳамшаҳарларимиз Роман Ким («Буревестник»), Беҳзод Латипов («Буревестник»), Асен Ибрагимов («Пахтакор»), Жингаши Пўлатов (АСК), Сиран Абдураимов (АСК), Юрий Бугумов («Меҳнат резервлари»)ларни юксак унвон билан қутлаймиз.

ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси Москва ҳарбий командасини қабул қилди. Биринчи учрашувда 6:3 ҳисоби билан ҳамшаҳарларимиз ютишди.

ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛЛАРИ

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор СУЛАЙМОНОВга



Мўртаҳсина бола эди,
Йиғит бўлди бардам, соз.
Сўнгра пахта даласида,
Жазлон урди чавандоз.
Устоз Энвер этагидан,
Ушлаганча у ҳар он,
Ишлаб роса юрагидан,
Ахир бўлди Қаҳрамон.

●

Еш томошабинлар театрининг актрисаси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВАга



Гоҳ қизалоқ, гоҳ она
Саҳнада у парвона
Ижтаса ижлатади

Гар кулса тонг отади.
Турган-битгани талант,
Куни ижод билан банд.
Орзуси бор: тўкиб тер
Дездемона бўлгум дер.

●

Езувчи Одил ЁҚУБОВга



Еш қалбингда ғурур бор,
Ҳаётингда ҳам шундай.
Ёзганларинг ҳаётдан,
Ёзганларинг ҳаққоний.
Ўзбек халқи ҳурмати
Ҳаммасидан устун.
Ҳаётингда ҳам шундай
Ҳаққоний бўлгин, дўстим.

«Улуғбек хазинаси»ни билиб мутлоқ «Муқаддас», «Тилла узук» мисолни халққа этдингиз маълум. «Дилёрим» улуғлаб унга орттириб ҳавас, Мукофотни ўрнини эгалладингиз мудом. «Эр бошига иш тушса» сўзлаб доим дилдан роз, Ҳамиша ёнгандасиз: «Қанот жуфт бўлади» деб. Қўш қанотли бургутсиз, тилаймиз юксак парвоз, Ҳар кун илҳом парига ихлос билан беринг эзиб.

Сандвали ҲАСАНОВ.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Республиканинг пойтахтида Венгрияда энг катта савдо ва маиший хизмат маркази очилди. Янги комплексда — тўртта универмаг, ихтисослаштирилган магазинлар, маиший хизмат корхоналари, туристлар бюроси, алоқа бўлими бор. У Будапештнинг энг гавжум транспорт чорраҳаси — Эршвезер майдонига қурилди. Лойиҳачилар автомашинада келадиган харидорларни ҳам унутмаганлар. Савдо маркази яқинида автомобиллар тўхтайдиган иккита майдон бунёд этилди.

ПРАГА. Словакиянинг Мартине шаҳрида очиқ осмон остидаги музей барпо этилмоқда. Халқ архитектураси ёдгорликларини сақлаш учун республиканинг турли районларидан қишлоқ уйлари бу ерга кўчириб келтирилади.

(ТАСС).

АЖНАБИЙ ҚЎШИНЛАР ГАМБИЯГА БОСТИРИБ КИРДИ

ПАРИЖ, 4 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда олинган маълумотларга қараганда, Гамбияда кескин ҳолат сақланиб қолмоқда.

Дакар радиоси қуйидагиларни хабар қилди: Гамбиядаги оппозициячи кучлар президент Д. Жаварани агдариб ташлаш мақсадида давлат тўнтариши ўтказишга ҳозирлик кўрганлар. Радионинг уқтириб ўтишича, Гамбия ҳукумати бу воқеаларнинг олдини олиш учун Сенегалга мурожаат қилиб, «ҳарбий ёрдам» беришни сўраган.

Гамбия радиоси хабар беришича, Сенегал қўшинлари Сенегал — Гамбия қўшма маневрларида қатнашиш учун бу мамлакат территориясида турибди.

Франс-Пресс агентлиги хабар беради: Сенегал қўролли кучлари бўлинмалари мамлакат пойтахти Банжул ва унинг атрофидаги шаҳарларда асосий стратегик объектларни ишғол қилиб турибдилар. 1 ноябрда тақиқланган социал адолат партияси ва социалистик революцион партиянинг бир қанча раҳбарлари ҳамоққа олинди.

Ғарбий Африкада чиқадиган «Африк нувель» газетаси ажнабий қўшинлар бостириб кириши арафасида Гамбиядаги вазиятни таҳлил этиб Гамбиянинг иқтисодий аҳволи мушкуллашганлиги, мамлакатда Ғарб гражданлари кўпайиб кетганлиги, АҚШ разведка бошқармасининг агентлари активлашиб қолганлиги, давлат аппаратида порахўрлик кучайганлиги ва конституция бузилаётганлиги ҳақида ёзди. Бу ҳол меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ғарб ахборот агентликларининг берган маълумотларига кўра, ажнабий қўшинлар Дакарда жойлашган француз ҳарбий-транспорт самолётларида Гамбияга юборилди. Франс-Пресс агентлиги Гамбиядаги воқеаларни шарҳлаб, Африкадаги ана шу район Франция учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ўтган йили, деб эслатиб ўтади агентлик, Сенегал территориясида катта ҳарбий машқлар ўтказилган эди. Бу машқларда Франция, Сенегал ва Гамбия бўлинмалари қатнашди.

СУД МАЖЛИСИ КЕЧИКТИРИЛДИ

ПАРИЖ, 5 ноябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Пекиндан хабар қилишича, тахмин қилишларига қараганда «тўртлар шайкаси» ва «маданий революция»нинг бошқа тирик қолган раҳбарлари, шу жумладан Мао Цзедуннинг хотини Цзян Цин иши юзасидан суд мажлиси яна кечиктирилгандан кейин ноябрь ойининг ўрталарида бошланади.

Суд бундан аввал бир марта — сентябрь ойида орқага сурилган эди. Ўшанда Пекиндаги кузатувчилар бу орқага суришни Цзян Цин ўзига қўйилган айбларни тан олишдан бош тортганлиги билан изоҳлаган эдилар.

ТЕҲРОНДА НАМОЙИШ

ТЕҲРОН, 5 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда АҚШнинг Теҳрондаги собиқ элчихонаси биноси олдида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Бу намойиш Америкининг Эронга қарши жосусликда айбланган дипломатлари қўлга олинган кунининг бир йиллиги муносабати билан оятилло Хумайни йўлининг издошлари бўлмиш мусулмон студентларнинг даъвати билан ташкил этилди. Намойишда Эрон пойтахтининг бир неча юз минг аҳолиси қатнашди. Намойишчилар АҚШнинг Эрон ички ишларига аралашувини қораловчи плакатларни кўтариб ўтдилар. Митингда сўзга чиққан Бош министр Ражаи АҚШнинг Эронга нисбатан ўтказаётган сиёсатини қоралади.

Эрон Бош министри Теҳрон радиосининг мухбири билан суҳбатда АҚШ президенти Ж. Картернинг мактубини олганини маълум қилди. Ражаининг айтишича, бу мактубда Эрон парламентининг гаровга ушлаб турилган америкаликларни қўйиб юбориш шартлари сифатида ўртага қўйилган талабларига конкрет жавоб берилмаган. Ражаи гаровга ушланганлар ҳали Эрон ҳукуматининг қўлига топширилмаганини ва мусулмон студентлар иктидорида турганини ҳам айтди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 да

Норвегия бўйлаб гастролда қатнашган

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат халқ раққосалари

«БАҲОР» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати

Қаҳрамон ДАДАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Гаванада бўлиб ўтган XI Жаҳон фестивалининг лауреати

Маъмура ЭРГАШЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Бахтиёр АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА, Ўғилой САНДОВА, Насиба МАДРАҲИМОВА, Раббим ҲАМДАМОВ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Дилбар ЮНУСОВА, Гулсум ҲАМРОЕВА, Филруза НИЗОМИДДИНОВА, Талъат САИФИДДИНОВ.

Солистлар: Ғуломжон ЁҚУБОВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА олиб боради.

«БАҲОР» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА.

Мусиқа раҳбари — Музаффар МУҲАМЕДОВ.

БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Биз билан бирга, ҳудди биздек, бизлар ҳам яхшироқ бажар. 11.15 — Сўна. Бадиий фильм, 3-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор учинлар. Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 — Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.15 — Поэзия. 18.15 — Москваликлар — партия съездига. 18.45 — «Ералаш» журнали саҳифаларида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Композитор Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Время».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.55 — Миша — сехргар. Бадиий фильм. 12.25 — Ёшлик. 12.55 — Ў. Умарбеков. Отилмаган ўқ. Спектакль. 17.30 — Кўғирчоқ фильм. 17.50 — Қувноқлар даврасида. 18.20 — Партияга, Ватанга шон-шарафлар! 19.00 — Ахборот. 19.15 — Истеъдод. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффус пайтида Время. 22.15 — Тошкент, Ўзбекистон пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси. Махсус кўрсатув ва концерт.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Кўғирчоқ фильм. 21.15 — Тошкент байрам арафасида. 21.45 — Инсонларга нима ҳадя этасан? 22.05 — Тун ҳам бўлди, кун ҳам бўлди. Бадиий фильм.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—Н. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 333883, 325747, 337918, 329748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: саноат ишлари ва хатлар — 334043; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325845, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 325783; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 00763. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1724. 13